



## МУЛКИЙ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ТАЪСИРИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

**Алияр Олим Абдуғапарович**

Термиз давлат университети

ORCID: 0009-0004-3784-4335

[olimaliarov547@gmail.com](mailto:olimaliarov547@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада мулкӣ солиққа тортишнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштириш масалалари тадқиқ этилган. Мулкӣ солиқларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, солиқ салоҳиятини баҳолаш усуллари ва уларнинг афзалликлари ҳамда камчиликлари таҳлил қилинган. Мулкӣ солиқларнинг ролини кўриб чиқиш бўйича хорижий тажриба ўрганилган ва уч гуруҳга бўлинган ёндашувлар тизимлаштирилган. Мулкӣ солиқнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири бўйича тадқиқотлар натижалари асосида таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** мулкӣ солиқ, макроиқтисодий кўрсаткичлар, моделлаштириш, солиқ салоҳияти, солиқ базаси, регрессион таҳлил, кўчмас мулк, инвестициялар, корреляция, солиқ ставкаси, солиқ тушумлари.

## МОДЕЛИРОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ИМУЩЕСТВА НА МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ

**Алияр Олим Абдуғапарович**

Термезский государственный университет

**Аннотация.** В статье исследованы вопросы моделирования влияния налогообложения имущества на макроэкономические показатели. Проанализированы особенности моделирования налогов на имущество, методы оценки налогового потенциала и их преимущества и недостатки. Изучен зарубежный опыт рассмотрения роли налогов на имущество и систематизированы подходы, разделенные на три группы. На основе результатов исследований по влиянию налога на имущество на макроэкономические показатели разработаны предложения и рекомендации.

**Ключевые слова:** налог на имущество, макроэкономические показатели, моделирование, налоговый потенциал, налоговая база, регрессионный анализ, недвижимость, инвестиции, корреляция, налоговая ставка, налоговые поступления.

## MODELING THE IMPACT OF PROPERTY TAXATION ON MACROECONOMIC INDICATORS

**Aliyarov Olim Abdugaparovich**

Termez State University

**Abstract.** The article examines the issues of modeling the impact of property taxation on macroeconomic indicators. The characteristics of property tax modeling, methods for assessing tax potential, and their advantages and disadvantages have been analyzed. Foreign experience in examining the role of property taxes has been studied, and approaches divided into three groups have been systematized. Based on the results of research on the impact of property tax on macroeconomic indicators, proposals and recommendations have been developed.

**Keywords:** property tax, macroeconomic indicators, modeling, tax potential, tax base, regression analysis, real estate, investments, correlation, tax rate, tax revenues.

### **Кириш.**

Мулкий солиқлар давлат молия тизимининг муҳим қисми бўлиб, улар нафақат бюджет даромадларини шакллантиришда, балки ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантиришда ҳам катта аҳамиятга эга. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва аҳоли учун зарур шароитлар яратишда мулкий солиқларнинг ролини кучайтириш ҳозирги давр талабларидан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда маҳаллий ҳокимиятлар маҳаллий ва давлат хизматларини молиялаштириш учун турли шаклдаги мулкий солиқларга таянади. Мулкий солиқларнинг аҳамияти турли мамлакатларда албатта турлича. Айрим мамлакатларда мулкий солиқлар маҳаллий бюджетнинг асосий даромад манбаини ташкил этса, бошқаларида унинг ўрни анча кичикроқ. Мулкий солиқларнинг аҳамияти ва унинг йиғимлари маҳаллий ҳокимиятлар учун турли даражадаги ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни молиялаштириш имконини яратади. Шу билан бирга, бу солиқлар тўловчиларга юк бўлиши ва мулкка эгаликнинг иқтисодий самарадорлигига таъсир қилиши мумкин. Маҳаллий иқтисодий шароитлар, мулк турлари ва солиқ ставкалари ўртасидаги фарқлар туфайли мулкий солиқларнинг умумий аҳамияти ҳар бир мамлакатда ўзгача кўринишда намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳудудлар кесимида мулкий солиқларнинг таъсири турлича намоён бўлиши сабабли, уларни солиққа тортишда индивидуал ёндашувни жорий қилиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқ тизимини такомиллаштириш мулкий солиқларнинг самарадорлигини янада ошириш имконини яратади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Ҳудуднинг «солиқ портфели»ни баҳолашда мулкий солиқ тушумлари кўрсаткичларидан фойдаланилади Малкина ва Балакиннинг (2017) тадқиқотларида ҳудудларнинг солиқ портфели Марковицнинг (2015) инвестиция портфели билан ўхшаш тарзда кўриб чиқилган. Кўрсаткичларни маълум бир алгоритм бўйича ҳисоблаш ва олинган натижалар асосида солиқ тушумлари барқарорлиги нуқтаи назаридан энг юқори ва энг кам хатарли ҳудуд ва тармоқларни аниқлаш таклиф этилади. Бироқ, риск даражаси турлича бўлган ҳудудлар ва тармоқларда натижани шакллантирадиган солиқ турлари бўйича декомпозиция амалга оширилмайди.

Макдоналд (2008) маҳаллий бюджетга солиқ тушумларини максималлаштирувчи мулкий солиқлар ставкасини аниқлаш учун ҳудуднинг тижорат ва саноат кўчмас мулк бозори моделини ишлаб чиқди. Унда кўчмас мулкка маҳаллий солиқнинг максимал даромад ставкаси учун тенглама олинган бўлиб, ундан максимал солиқ ставкасини баҳолашда фойдаланиш мумкин, шунда ҳақиқий солиқ ставкаси билан таққослаш мумкин бўлади.

Зодроу ва Муфитахароиннинг (2012) тадқиқотларида мулкий солиқларнинг таъсири иқтисодиётнинг тўрт сектори кесимида кўриб чиқилди. Ҳудуднинг шундай бир ҳолати моделлаштириладики, бунда капиталнинг мутлақо ўзгарувчан таклифига эътибор бевосита истеъмолчиларга ва аксинча меҳнат ресурслари ва ер эгаларига кўчишга қаратилади. Мол-мулк солиғи мулкий солиқлар гуруҳида кўриб чиқилади, лекин бунда асосий эътибор корхонага таъсир этишга қаратилади. Таҳлил қуйидаги секторлар бўйича ўтказилади: қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш саноати, коммунал хизматлар, коммунал бўлмаган (бошқа) хизматлар. Муаллифлар ҳудудда мулкий солиқлар биринчи навбатда даромад манбаига тўғри келади, бу эса ўз навбатида ҳудудда бизнес юритиш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатиши мумкин деган хулосага келадилар.

Салвонинг (1970) тадқиқотида мулкий солиқлар ва ҳудудда жалб қилинган

инвестициялар ҳажмининг ўзаро боғлиқлиги кўриб чиқилади. Муаллиф уй-жой ва у қурилган ерга нисбатан мулк соҳибдорларнинг ставкаларининг ўзгариши ва қўчмас мулк объектларини модернизация қилишга йўналтирилган капитал қўйилмалар миқдорининг таъсирини кўриб чиқади. Натижада узоқ муддатли истиқболда солиқ ставкаларининг оширилиши рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши, узоқ муддатли истиқболда ставкаларнинг пасайтирилиши эса қўшимча маблағларни жалб қилишга ёрдам бериши аниқланди. Тадқиқотда қўчмас мулк объектларига инвестициялар модернизация нуқтаи назаридан кўриб чиқилган. Қулай шароит яратишда қўчмас мулк эгаси қўчмас мулк объектларини яхшилашга, шу билан унинг бозор қийматини оширишга интилади, деб тахмин қилинади.

Солиқ тушумларини, хусусан мулк соҳибдорларни таҳлил қилиш одатда умумий мувозанатнинг оддий моделларида ўтказилади, бунда масала капитал эгалари, ишчилар ёки истеъмолчилар соҳибдорларни қўпайтириш юкини қўтаришга мойилми, деган саволга бориб тақалади. Жавоб одатда бир неча технологик параметрларнинг нисбий катталикларига ва тўғри аниқланган иқтисодий самараларга боғлиқ бўлади. Масалан, Деверо ва Лав (1994) жисмоний ва инсон капиталини биргаликда жамғаришга асосланган эндоген ўсишнинг икки секторли моделини кўриб чиқадилар. Ўтиш даври динамикаси ҳам, мувозанатлашган ўсиш траекторияси ҳам ҳисоблаб чиқилади, шунингдек иш ҳақиға солинадиган соҳибдорларга, капиталга солинадиган соҳибдорларга, истеъмолга солинадиган соҳибдорларга муносабат ўрганилади. Муаллифлар соҳибдорлар ўртасидаги фарқлар уларнинг узоқ муддатли ўсиш суръатларига таъсири нуқтаи назаридан нисбатан аҳамиятсиз деган хулосага келадилар. Модель доирасида мулк соҳибдорларни кўриб чиқилмаган, аммо тадқиқотда келтирилган моделлар мулк соҳибдорларнинг таъсирини таҳлил қилиш учун мослаштирилиши мумкин (Henderson, 1985).

Иқтисодий ўсишнинг икки секторли моделининг модернизацияланган варианты соҳибдорларни таҳлил қилиш учун Шоттл (1985) томонидан ишлаб чиқилган умумий мувозанатнинг уч секторли модели ҳисобланади. Модель оддий икки секторли моделдан фақат қўшимча сектор қўшилиши билангина эмас, балки капитал ва иш кучи далиллари ёрдамида аниқлашнинг классик анъанасидан воз кечиши билан ҳам фарқ қилади. Мулк соҳибдорлар моделда уй-жой хизматлари ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган кўчар мол-мулкка нисбатан эмас, балки қўчмас мулкка нисбатан қўлланиладиган қисман соҳибдор сифатида белгиланган. Модель мулк соҳибдорнинг экзоген омилини киритиш натижасида юзага келган эндоген ўзгарувчиларнинг фоиз ўзгаришларини баҳолаш учун унинг параметрларининг сонли қийматларини танлаш орқали миқдорий баҳоланади. Соҳибдорнинг асосий самараси қўчмас мулкнинг нисбатан қимматлашуви (жисмоний шахслар учун) ва уни ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир (юридик шахслар учун).

### **Тадқиқот методологияси.**

Ушбу тадқиқотда мулк соҳибдорларнинг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ўрганиш учун турли илмий усуллар қўлланилди. Биринчи навбатда, корреляцион ва регрессион таҳлиллар орқали мулк соҳибдорлар тушумлари билан асосий капиталга инвестициялар ўртасидаги боғлиқлик аниқланди. Регрессия моделлари асосида соҳибдор тушумларига таъсир этувчи омиллар баҳоланди ва уларнинг таъсир даражаси кўрсатиб ўтилди.

Тадқиқотда эконометрик моделлаштиришдан кенг фойдаланилди. Худудларнинг соҳибдор салоҳиятини баҳолашда аддитив ва мультипликатив моделлар қўлланиб, соҳибдор базасини шакллантирувчи омилларнинг ҳиссаси аниқланди. Чизиқли регрессия ва статистик таҳлил усуллари орқали маълумотлар қайта ишланди. Шунингдек, худудий таҳлил усули орқали турли худудларда мулк соҳибдорларнинг ижтимоий-иқтисодий

ривожланишга таъсири ўрганилди. Чет эл тажрибасини ўрганиш орқали халқаро ёндашувлар таҳлил қилинди ва уларнинг Ўзбекистон шароитидаги мослашувчанлик имкониятлари ўрганилди.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Тадқиқотларда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича солиқ базасини ҳудуд ҳолатининг макроиқтисодий кўрсаткичларига, шу жумладан асосий капиталга қилинган инвестицияларга боғлиқ ҳолда моделлаштиришга эътибор қаратилган. Амалга оширилган тадқиқотларга кўра, омилларни босқичма-босқич танлаш усули билан юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ базасининг регрессион модели тузилди, унга кўра асосий капиталга инвестициялар 1 млрд. сўмга ошганда солиқ базаси 1,1 млрд. сўмга ошади. Бироқ, ҳудудлар кесимида инвестицияларнинг аҳамияти турлича. Маълумотлар бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича тушумларни аниқлаш учун кўп сонли регрессия моделини қуришда инвестициялар кўрсаткичи муҳим омиллар қаторига киритилмаган (Дадашева, 2009). Бунда асосий фондларнинг актив ва пассив қисмига киритилган инвестициялар тузилмавий моделлаштириш усули асосида ташкилотларнинг мол-мулк солиғи тушумининг прогноз моделида ташкилотларнинг мол-мулк солиғи ўсишини ҳисоблаш учун фойдаланилади. Асосий капиталга инвестицияларни рағбатлантириш нуқтаи назаридан мол-мулкнинг хусусиятлари (қиймати, эскириш улуши) ва инвестицияга йўналтириладиган фойда улушига қараб ташкилотларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкасини оптимал ҳисоблаш формуласи таклиф этилган (Бухонова va boshq., 2007).

Мулкий солиққа тортиш ва умуман мамлакат миқёсида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлигини моделлаштириш аксарият ҳолларда ушбу солиқнинг аҳамиятини статистик хато даражасида кўрсатади, бу эса қандайдир математик моделларни қуриш ва прогнозларни баҳолаш имкониятини истисно қилади. Аммо мулкий солиқларнинг маҳаллий даражадаги иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини кўриб чиқишда уларнинг таъсиридан келадиган самарага баҳо бериш мумкин. Бу ҳол мулкий солиқлар ставкалари пастлиги сабабли мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотида ҳам, солиқ тушумларининг умумий тузилишида ҳам кам улушга эга эканлиги билан изоҳланади.

Мулкий солиқлар билан боғлиқ тадқиқотларнинг асосий хусусияти уни юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларни ягона гуруҳига бирлаштиришдир (1-расм).



**1-расм. Мулкий солиқларни моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари**  
 Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Мулкий солиқлар ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини ҳисоблашда кўриб чиқилади, бунда эконометрик инструментарийларни қўллаш воситасида алоҳида олинган ҳудуд даражасида бошқа солиқлар орасида мулкий солиқнинг роли моделлаштирилади. Сўнгра олинган натижалар билан ҳудуднинг иқтисодий кўрсаткичлари ўртасидаги корреляция кўриб чиқилади. Бу ерда методларнинг бир неча турларини ажратиш кўрсатиш мумкин.

Солиқ салоҳиятини (СС) баҳолашнинг аддитив усулларида фойдаланилганда (Алёхин, 2005), ҳудуднинг амалдаги солиқ даромадлари (СД) миқдорлари, шунингдек, солиқ тушумларини ошириш захираси (З) солиқ қарздорлиги суммалари бўйича кўрсаткичлар жамланади. Умумий ҳолда текшириш учун модель қуйидаги тенглик билан ифодаланади (Кашина, 2012):

$$СС = СД + З \quad (2)$$

Солиқ салоҳиятига таъсир кўрсатувчи кўпроқ омилларни қамраб олиш учун аддитив модель солиқ тушумларини ошириш захиралари кўрсаткичи ўрнига тузатиш коэффициентини ( $k$ ) киритиш орқали мультипликативга айлантирилади:

$$СС = k \times СД \quad (3)$$

Репрезентатив солиқ тизими усули билан солиқ салоҳиятини янада чуқурроқ баҳолаш мумкин (Суглобов и Черкасова, 2009). Ҳисоб-китоб учун мамлакат бўйича ўртача (репрезентатив) солиқ ставкаларида ҳудуддаги ҳар бир солиқ бўйича солиқ базаси ( $СБ_i$ ), ҳудуддаги ҳар бир солиқ бўйича ҳақиқий тушумлар ( $T_{ij}$ ) ва ҳудуддаги ҳар бир солиқ бўйича ҳисобланган суммалар ( $СБ_{ij}$ ) тўғрисидаги маълумотлар олинади. Бу ҳолда ҳисоблаш формуласи қуйидаги тенглик билан ифодаланади:

$$СС = \sum_{i=1}^n СБ_i \times \frac{\sum_{j=1}^m T_{ij}}{\sum_{j=1}^m СБ_{ij}} \quad (4)$$

Ушбу усул бўйича ҳисоблаш ҳар бир солиқнинг ҳиссасини кўришга имкон беради, бу эса ўз навбатида структура кўрсаткичларини ҳисоблашга имкон беради. Агар ҳудуднинг солиқ салоҳиятига солиқларнинг бюджетга тушум даражалари бўйича ҳиссаси баҳоланса, юридик шахсларнинг мулкий солиқлари ҳолатида кейинги таҳлил учун статистик жиҳатдан аҳамиятли қийматлар олиш мумкин. Бироқ, ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг нотенглиги сабабли моделда ўртача солиқ ставкаларини қўллаш етарлича тўғри бўлмаслиги мумкин.

Ҳисоб-китоблардаги ноаниқликларни бартараф этиш ва ҳудудларнинг солиқ салоҳиятини батафсилроқ тасаввур қилиш учун чизиқли регрессия моделидан фойдаланиш мумкин (Волков, 2012), у умумий кўринишда қуйидаги регрессия тенгламаси билан ифодаланади:

$$СС = a_0 + a_1 \times x_1 + a_2 \times x_2 + \dots + a_i \times x_i + \dots + a_n \times x_n + \varepsilon, \quad (5)$$

бу ерда

$a_0$  – регрессия тенгламасининг озод ҳади;

$a_1, a_2, \dots, a_n$  – регрессия тенгламасининг коэффициентлари;

$x_1, x_2, \dots, x_n$  – ҳудуднинг солиқ салоҳияти омиллари;

$\varepsilon$  – ҳисобга олинмаган омиллар.

Регрессион моделлар солиқларни тадқиқ қилиш соҳасида катта имкониятларни ўз ичига олади, чунки улар солиқларни таҳлил қилишни индивидуаллаштириш ва алоҳида олинган солиққа таъсир кўрсатувчи омиллар тўпламини аниқлаш имконини беради. Омиллар мажмуига қараб, кўриб чиқиладиган солиқ билан муайян иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцияни аниқлаш мумкин. Хусусан, ҳудуднинг солиқ салоҳияти солиқ турлари бўйича қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

$$СС_{ij} = ТД_j \times 0,3 \times \frac{ССТК_{in-2j}}{\sum ССТК_{in-2j}} + 0,35 \times \frac{ССТК_{in-1j}}{\sum ССТК_{in-1j}} + 0,35 \times \frac{ССТК_{inj}}{\sum ССТК_{inj}} \quad (6)$$

бу ерда

$СС_{ij}$  - кўриб чиқиладиган солиқ бўйича ҳудуднинг солиқ салоҳияти;

$ТД_j$  - ҳудуд бюджетига тушадиган даромадларнинг  $j$ -чи солиқ бўйича прогнози;

$CSTK_{in}$ ,  $CSTK_{inj}$ ,  $CSTK_{in-1j}$ ,  $CSTK_{in-2j}$  - кўриб чиқиладиган солиқ бўйича ҳудуднинг жорий йилдан 2 йил олдинги ва жорий йилнинг охири ҳисобот санасидаги (жорий йилда) солиқ салоҳиятини тавсифловчи кўрсаткичлар.

Солиқ салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичлари бир қатор камчиликларга ҳам эга. Биринчидан, уларни ҳисоблашдан мақсад асосий иқтисодий кўрсаткичларга таъсири баҳолаш эмас, балки бюджетни режалаштириш сифатини оширишдир. Иккинчидан, мулк соҳиблари бошқа солиқ турлари билан биргаликда кўрилади, бу эса уларнинг аҳамиятлилик даражасини баҳолашни қийинлаштиради. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича маълумотлар кўпинча иқтисодий-математик моделлаштириш мақсадларида бирлаштирилади (Доржиева ва бошқ., 2009).

Хорижий тадқиқотларда келтирилган мулк соҳибларнинг ролини кўриб чиқиш ва иқтисодий моделларни ишлаб чиқишга доир барча ёндашувларни ўқиб ўқиш гуруҳга бўлиш мумкин (Zodrow, 2001) (1-жадвал).

1-жадвал

**Мулк соҳиблари ролини кўриб чиқиш ёндашувлари**

Ёндашув	Тадқиқотчилар	Тавсиф
Анъанавий	Simon (1943); Netzer (1966)	Солиқ таҳлилига қисман мувоzanатли ёндашув қўлланилиб, асосий эътибор маҳаллий даражада солиқни ошириш оқибатларига қаратилган
Фойда назарияси	Hamilton (1975); Fischel (1975); White (1975); Tiebout (1956)	Солиқ тўловчилар маҳаллий хизматларга бўлган эҳтиёжларига мувофиқ ҳудудлар бўйича тақсимланади
Янги	Mieszkowski (1972); Zodrow (1983)	Анъанавий ёндашув рад этилади; Мулк соҳиблари ноҳолис солиқ ҳисобланади; Солиқ ставкаларининг табақаланиши капиталнинг ҳудудлар ўртасида самарасиз тақсимланишига олиб келиши мумкин

*Манба:* муаллиф томонидан тузилган.

Мулк соҳиблари қисмига тортининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири моделлаштириш назарияси ва амалиёти соҳасидаги тадқиқотларнинг тақдим этилган натижалари ўшбу солиқни ўрганишга турли ёндашувларни аниқлаш имконини беради. Бир томондан, комплекс кўрсаткичлар таркибида мулк соҳиблардан мамлакат даражасида солиқ тушумларининг истиқболини ҳамда ЯИМ ва ЯҲМ даражасининг ўзгаришини баҳолаш учун фойдаланилади. Иккинчи томондан, солиқ ҳудудларни ривожлантиришни рағбатлантириш сиёсати доирасида асосий восита сифатида қаралиши мумкин. Масалан, кичик корхоналар, экологик тоза ишлаб чиқаришлар, муайян ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга сармоя киритувчи корхоналар учун мулк соҳиблари бўйича қўшимча преференциялар жорий этиш. Бундан ташқари, мулк соҳибларнинг тармоқ хусусиятларини моделлаштириш истиқболли бўлиб, у ҳудудий жиҳатларни ҳам ўз ичига олади (Тўлаков и Жўраев, 2023; Тўлаков, 2023; Тўлаков, 2022).

**Хулоса ва таклифлар.**

Мулк соҳиблари маҳаллий бюджетлар учун муҳим даромад манбаи бўлиб, улар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Тадқиқот натижаларига кўра, мулк соҳибларни адолатли ва самарали ташкил этиш орқали ҳудудлардаги иқтисодий барқарорликни таъминлаш ва инфратузилмани ривожлантириш мумкин. Шунингдек, кадастр баҳолашининг аниқлиги солиққа тортини

тизимда шаффофликни ошириб, мулкдорлар ишончини мустахкамлайди. Тадқиқо натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни тақлиф этамиз:

1. Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, солиқ ставкаларини қайта кўриб чиқиш лозим. Бу иқтисодий фаолиятни рағбатлантириб, ҳудудларнинг молиявий мустақиллигини оширади;

2. Кадастр баҳолаш жараёнини ягона стандартлар асосида ташкил этиш, баҳолашда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва маълумотларнинг аниқлигини ошириш зарур;

3. Асосий капиталга инвестицияларни жалб қилиш учун мулкый солиқларга турли имтиёзлар жорий этиш тавсия этилади. Бу мулкый объектларнинг модернизацияси ва ҳудудларнинг ривожланишига туртки беради;

4. Ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда индивидуал ёндашувни жорий қилиш лозим. Бу ҳудудлар ўртасидаги иқтисодий номуаносибликларни камайтиради;

5. Мулкый солиққа тортиш жараёнининг шаффофлигини ошириш учун маълумотларнинг очиқлигига алоҳида эътибор қаратиш керак. Солиқ тушумларининг динамикасини мунтазам кузатиш ва таҳлил қилиш муҳим;

6. Ривожланган мамлакатлардаги муваффақиятли солиқ тизимларини ўрганиб, уларни миллий шароитга мослаштириш орқали солиқ сиёсатини янада самарали ташкил этиш мумкин.

Ушбу тақлифларни амалга ошириш мулкый солиқларнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини оширишга ёрдам беради ва давлат ҳамда маҳаллий бюджетларга тушумларни барқарор таъминлаш учун мустахкам асос яратади.

#### **Адабиётлар / Литература/Reference:**

*DeSalvo, J. S. (1970). Effects of the property tax on operating and investment decisions of rental property owners. Santa Monica, CA: RAND Corporation.*

*Devereux, M. B., & Love, D. R. F. (1994). The effects of factor taxation in a two-sector model of endogenous growth. The Canadian Journal of Economics / Revue canadienne d'économie, 27(3), 509–536.*

*Fischel, W. A. (1975). Fiscal and environmental considerations in the location of firms in suburban communities. In E. S. Mills & W. E. Oates (Eds.), Fiscal zoning and land use controls (pp. 119–173). Lexington, MA: Lexington Books.*

*Hamilton, B. W. (1975). Zoning and property taxation in a system of local governments. Urban Studies, 12(2), 205–211.*

*Henderson, J. V. (1985). Property tax incidence with a public sector. Journal of Political Economy, 93(4), 648–665.*

*McDonald, J. (2008). Maximization of nonresidential property tax revenue by a local government. Applied Economics Letters, 15(12), 925–928.*

*Mieszkowski, P. (1972). The property tax: An excise tax or a profits tax? Journal of Public Economics, 1(1), 73–96.*

*Muthitacharoen, A., & Zodrow, G. R. (2012). Revisiting the excise tax effects of the property tax. Public Finance Review, 40(5), 555–583.*

*Netzer, D. (1966). Economics of the property tax. Washington, D.C.: Brookings Institution.*

*Schoettle, F. P. (1985). A three-sector model for real property tax incidence. Journal of Public Economics, 27(3), 355–370.*

*Simon, H. A. (1943). The incidence of a tax on urban real property. Quarterly Journal of Economics, 59(3), 398–420.*

*Tiebout, C. M. (1956). A pure theory of local expenditures. Journal of Political Economy, 64(5), 416–424.*

White, M. J. (1975). Firm location in a zoned metropolitan area. In E. S. Mills & W. E. Oates (Eds.), *Fiscal zoning and land use controls* (pp. 175–202). Lexington, MA: Lexington Books.

Zodrow, G. R. (1983). The Tiebout model after twenty-five years: An overview. In G. R. Zodrow (Ed.), *Local provision of public services: The Tiebout model after twenty-five years* (pp. 1–16). New York: Academic Press.

Zodrow, G. R. (2001). The property tax as a capital tax: A room with three views. *National Tax Journal*, 54(1), 139–156.

Алёхин, С. Н. (2005). Методика оценки налогового потенциала территории. *Российский налоговый курьер*, (6), 63–70.

Бухонова, С. М., Дорошенко, Ю. А., & Атабиева, Е. Л. (2007). Стимулирование инвестиций в промышленность на основе оптимизации налоговых ставок. *Экономический анализ: теория и практика*, (7)(88), 2–6.

Волков, А. А. (2012). Выработка методического подхода к оценке налогового потенциала отдельно взятого субъекта Российской Федерации на основе использования регрессионного анализа. *Российское предпринимательство*, 13(5), 184–188.

Дадашева, Ю. А. (2009). Прогнозирование поступлений по имущественным налогам: метод структурного моделирования. *Налоговая политика и практика*, (11), 66–70.

Доржиева, В. В., Чимитдоржиева, Е. Ц., & Карпушев, Б. В. (2009). Методика оценки налогового потенциала на примере Республики Бурятия. *Финансы и кредит*, (48), 384.

Кашина, Н. В. (2002). Использование налогового потенциала региона в системе государственного финансового планирования (на примере Амурской области) (Диссертация, Хабаровская государственная академия экономики и права, Хабаровск).

Малкина, М. Ю., & Балакин, Р. В. (2015). Оценка взаимосвязи риска и доходности налоговой системы в регионах России. *Экономика региона*, (3).

Малкина, М. Ю., & Балакин, Р. В. (2017). Оценка риска и доходности налоговых систем на основе отраслевого, регионального и смешанного портфелей. *Финансы и кредит*, 23(47), 28-32.

Суглобов, А. Е., & Черкасова, Ю. И. (2009). Анализ налогового потенциала муниципальных образований в целях совершенствования механизма внутрирегионального бюджетного выравнивания. *Экономический анализ: теория и практика*, (5).

Тўлаков, У. Т. (2023). Кўчмас мулкни солиққа тортишда хорижий давлатлар тажрибаси. *Иқтисодиёт ва таълим*, 24(1), 407-416.

Тўлаков, У., & Жўраев, С. (2023). Кўчмас мулкни солиққа тортишда хорижий давлатларда амалга оширилган ислохотлар. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари*, 3(8), 85-92.

Тўлаков, У.Т., (2022). Кўчмас мулк солиғининг назарий-концептуал асослари. «Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар» мавзусидаги Республика илмий-амалий 24-конференция тўплами, 18-21.